

**ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ XIV-XVI АСРЛАР АРХЕОЛОГИЯ
ЁДГОРЛИКЛАРИ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН (ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ
МИСОЛИДА)**

Ҳасанбоев Тўрақул Фозилжон ўғли
*Жиззах Давлат педагогика университети
докторанти*

Аннотация: Ушбу мақолада Жиззах воҳаси (вилояти)да амалга оширилган илмий изланишилар жумладан, Ғаллаорол туманида жойлашган XIV-XVI асрларга оид археология ёдгорликларида ўтказилган қидирув-қазув тадқиқотлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Мақолада сўнгги йилларда Ғаллаорол туманидаги Кўргонтепа, Лапакхтепа, Катта Хонимқўргон харобаларида ўтказилган археологик қазув ва Кўк гумбазтепа, Етимтепа ёдгорликларида қидирув тадқиқотлари натижасида қўлга киритилган моддий-маданият ашёлари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: Жиззах воҳаси, рустоқ, Ғаллаорол тумани, Кўргонтепа, Лапакхтепа, Катта Хонимқўргон, Кўк гумбазтепа, Етимтепа ёдгорлиги, Харакана, соҳибқирон Амир Темур

Annotation: This article provides information on the scientific research conducted in the Jizzakh oasis (province), including the excavations conducted in the archaeological monuments of the XIV-XVI centuries located in the Gallaorol district. The article talks about the material and cultural objects obtained as a result of the archaeological excavations in the ruins of Kurgantepa, Lapakhtepa, Katta Khonimkurgan, and the Kokgumbaztепа, Etimtепа monuments in Gallaorol district, and their specific aspects.

Key words: Jizzakh oasis, rustak, Gallaorol district, Kurgantepa, Lapakhtepa, Katta Khonimkurgan, Kokgumbaztепа, Etimtепа monument, Kharakana, owner Amir Temur

Ўзбекистоннинг йирик тарихий-маданий воҳалари қаторидан жой олган Жиззах воҳаси(вилояти)да сўнгги йилларда ўтказилган археологик қидирув ва қазув тадқиқотлари натижасида 400 дан ортиқ турли даврларга оид археология мероси обьектлари аниқланган. Уларнинг қадимги шаҳар ва қишлоқ қурилиш маданияти, ўтрок дехқон ва кўчманчи чорвадорлар тарихига даҳлдор ёдгорликларида қазув тадқиқотлари олиб борилган. Ушбу тадқиқотларнинг давоми сифатида Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида жойлашган, XIV-XVI асрларга оид бир қанча ёдгорликларда амалга оширилган археологик қидирув-қазув тадқиқотлари ва ундаги натижалар хусусида тўхталиб ўтишни жоиз деб, билдиқ.

Ғаллаорол туманида жойлашган, дастлабки фикр юритмоқчи бўлган қадимий шаҳар ёдгорлиги бу - Кўргонтепа ҳисобланади. Маълумки қадим Уструшона мамлакати 18 та рустоқ (туман) – маъмурий бўлинмалардан иборат бўлиб, бу

рустоқларнинг 9 таси ҳозирги Ўзбекистон давлати ҳудудида жойлашган. Уструшонанинг ғарбий сарҳадлари, яъни Сангзор водийси ҳавзасида юқорида қайд этилган рустоқларнинг 3 таси – Фекнон (Жиззах), Харакана (Фаллаорол) ва Бурнамад (Бахмал) фаолият кўрсатган[4]. Харакана рустоқи айнан Сарбозор қишлоғининг шимолий чеккасида, Сангзордан бош олувчи катта ариқнинг чап соҳилида жойлашган Кўрғонтепа харобалари ўрнида бўлган. Кўрғонтепа анъанавий қадимий шаҳар ўрни бўлиб, у арк, шаҳристон ва рабоддан ташкил топган. Арк шаҳристоннинг жанубий-ғарб бурчагида жойлашган ва унинг таг асос бўйича ўлчамлари 80x80 м (0,64 га) га тенг. Кўрғонтепа шаҳристонининг ташки кўриниши тўғри тўртбўрчаксимон шаклга эга, майдони 5,5 га. га, арк билан ҳисоблаганд 6,14 га. га тенг. Микрорельеф бўйича шаҳристоннинг дарвозаси ягона бўлиб, у жанубий мудофаа деворларининг ғарбий қисмида, аркнинг шарқий деворлари ёнида бўлган[5]. Демак, Кўрғонтепа дарвозасининг қудрати ҳам худди Қалиятепаники сингари аркнинг алоҳида мудофаа деворлари билан оширилган.

Кўрғонтепа шаҳрининг учинчи таркибий қисми - рабодлар ўрни кейинги даврларда текисланиб кетган. Шаҳар аҳолиси ва уни атрофидаги экин майдонлари катта ариқ орқали сув билан таъминланган.

Ушбу ёдгорликнинг ўрганилиши тарихи қисқа ва узвийликка эга эмас. 1970 йил охирларида (Э. Қодиров бошчилигига) ва 1996 йилда (М. Пардаев раҳбарлигига) шаҳристоннинг ғарбий қисмида стратиграфик қазувлар ўтказилган. Ушбу қазув тадқиқотлари материккача давом эттирилмаган. Сўнгги қазув натижаларига кўра, энг қадимги қатламлар милодий I аср билан, сўнгги қурилиш даврлари эса XVIII аср ўрталари билан саналанган. Умуман олганда эса стратиграфия материаллари таҳлилига қараганда Кўрғонтепа шаҳристонида I-IV; V-VIII; IX-XII; XIV-XVI; XVII-XVIII асрларга оид қурилиш даврлари аниқланган[1,3].

2022 йил баҳор мавсумида М. Ҳ. Пардаев раҳбарлигидаги Жиззах археология экспедицияси томонидан Кўрғонтепа шаҳар харобаларида археологик қазув тадқиқотлари амалга оширилди. Дастрраб, 1996 йилда стратиграфик қазув тадқиқотлари ўтказилган жойда тозалаш ишлари амалга оширилди. Ундан сўнг, айни шу қазув жойининг орқа томонидан 3 x 8 м. узунликда, стратиграфик шурф ташланди ва 3 м. чуқурликкача тушилди. Ушбу қазув тадқиқоти ҳам материккача давом эттирилмади. Археологик қазув тадқиқоти давомида 4 та қурилиш даври аниқланди ва топилган куллоллик идишларининг даврий санаси хронологик жиҳатдан илк ўрта асрларнинг охири, ривожланган ўрта асрлар, сўнгги ўрта асрлар қилиб белгиланди. Тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

Маҳаллий аҳоли вакилларининг айтишларига қараганда, Кўрғонтепада ер ости йўллари тизими бўлиб, бу тизимнинг бир йўналиши Сангзор дарёси остидан ўтиб, дарёнинг ўнг қирғогида жойлашган Фортепа қалъаси (ораси 3 км) билан туташган. Кўрғонтепа ва Фортепада ушбу ер ости йўли лаҳимнинг оғзи, киришлиши жойи сақланиб қолган.

Бу даврга оид яна бир ёдгорлик Лапахтепа қишлоқ макони бўлиб, у Қашқабулоқ-2 (Зокир тўп) қишлоғининг шимолий-шарқ томонида, Санззор дарёсининг чап қирғоидаги текис экин майдони ўртасида жойлашган. Лапахтепанинг ташқи кўриниши тўғри тўртбурчак шаклида, ўлчамлари 110x95 м (1,045 га) бўлиб, шарқ-ғарб йўналишида чўзилган. Унинг ғарбий қисми баландлиги шарқий қисмидан анча паст бўлиб, ушбу нотекислик асосида икки ярусли кўринишини олган[2,5]. Ушбу қўргончанинг ён томонлари тик бўлиб, бу унинг мустаҳкам мудофаа деворларига эга бўлганлигидан далолат беради. Қўргоннинг кириш дарвозаси ғарбий девор марказида бўлган. Лапахтепада 1983 йилда стратиграфик тадқиқотлар (А. Бердимуродов)[2] ва 1996 йилда планиграфик қазишмалар (М. Пардаев) ўtkazilgan.

2022 йилда М. Ҳ. Пардаев раҳбарлигидаги Жиззах археология экспедицияси томонидан Лапахтепа харобаларида археологик қазув тадқиқотлари амалга оширилди. Дастрраб, 1983 йилда А. Бердимуродов томонидан стратиграфик қазув тадқиқотлари ўтказилган жойда тозалаш ишлари амалга оширилди. Сўнгра, ушбу қазув жойининг орқа томонидан 3x5 м. узунликда стратиграфик шурф ташланди. Қазув тадқиқотлари давомида 1,5 м. чуқурликкача тушилди, қўлга киритилган (сирланган ва сирланмаган) кулоллик идишлари наъмуналарининг даврий санаси илк ўрта асрлар ва сўнгти ўрта асрлар қилиб белгиланди.

Хулоса қиласиган бўлсак, ўтмишда Лапахтепа ҳарбий қўриқчи қалья сифатида, илк ва сўнгти ўрта асрларда фаолият кўрсатган, деган фикрдамиз.

Фаллаорол туман марказидан 500 м жанубда, Жиззах-Самарқанд магистрал йўлидан туман марказига олиб борувчи кўчанинг ўнг томонида жойлашган яна бир ёдгорлик бу- Етимтепадир. Ҳозирги пайтда Етимтепа устида иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хотирасига бағишлиган монумент, унинг пастида Фаллаорол туман ўлкашунослик музейи жойлашган. Топографик план бўйича ёдгорлик тўғри тўртбурчак шаклида, ўлчамлари 115x90 м, баландлиги 6 м. Етимтепанинг шарқий қисмida ташқи кўриниши думалоқ шаклдаги баландлиги 8 м. га teng арк сақланиб қолган. Қурилиш ишлари даврида аркнинг усти ва ён деворлари текисланган. Бундан ташқари, қурувчилар томонидан ёдгорликнинг ғарбий ва жанубий-ғарб томонидан пандус, кўтарма йўл солинган. Қурилиш ишлари сабабли ер юзига чиқиб қолган топилмалар, хусусан кўпгина сопол идишлар синиклари йигилди. Бу топилмаларни VI-VIII; IX-XII; XV-XVI асрлар билан саналаш мумкин[5].

Кўк гумбазтепа ёдгорлиги Фаллаорол тумани марказидан 1,2 км масофа жанубий-шарқда, Кўкгумбаз қишлоғининг жанубий-шарқ қисмida Санззор дарёсининг яқин чап қирғоида, Тошкент – Самарқанд автомагистралининг ўнг томонида жойлашган. Қишлоқ оқсоқолларининг айтишига қараганда, ўтган асрнинг 50-йилларида Кўкгумбаз ёдгорлиги қабристонга айлантирилган. Ёдгорлик Нурота тоғ тизмаси шарқий унгурининг Санззор дарёси чап қирғоигача етиб келган террасалари ҳосил қилган табиий тепалик устида бунёд этилган. Кўк гумбазтепанинг умумий

кўриниши тухумсимон шаклида бўлиб, у шарқ-гарб йўналиши бўйича чўзилиб кетган, умумий майдони 3,6 га. га teng. Ёдгорликнинг арки унинг шимолий-шарқ қисмида жойлашган. Арк айлана шаклга эга, унинг устки қисми 22x20 м. га teng текис майдондан иборат. Пастки қисми эса 40x35 м. га teng бўлиб, умумий баландлиги 6,5-7,0 м. га teng. Ўтган асрнинг 70-йилларида Жиззах воҳаси археология ёдгорликлари мажмуйини тузиш ишлари пайтида

Ў. Алимов ва Н. Немцева томонидан

ушбу ёдгорлик ўрганилган ва унинг сўнгти қурилиш даври XIV-XVI асрлар билан саналанган[5]. Шундан келиб чиқибми ёки бошқа сабаб биланми маҳаллий аҳоли ўртасида Кўк гумбаз қўргони соҳибқирон Амир Темур томонидан бунёд этилган, деган маълумотлар тарқаган. Ҳатто унинг аниқ вақти 1365 йил деб белгиланган ва қабристон ичидаги лавҳа ёзувда қайд этилган. Бу борада фақат бир нарсани эслатиб ўтишимиз жоиз. Кўк гумбаз қўргони Илонўтти дарасидан Самарқанд томонга чиқиш жойида, дарё кечувига яқин ерда, бир сўз билан айтганда ниҳоятда қулай ва муҳим ҳарбий стратегик нуқтада барпо этилганига қараганда, ўз замонаси давлатмандлари ундан Марказий Суғдга Жиззах орқали Илонўтти дараси бўйлаб ҳужум уюштирган душманлар, хусусан талончилик юришларини амалга оширган кўчманчилардан мудофааланиш мақсадида фойдаланишган. Араб истилоси ёки мўғул босқини даврида вайрон қилиниб култепага айлантирилган бундай иншоотларни таъмирлаган кейинги ҳукмдорлар, хусусан соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари ўз вақтида Жеталар (мусулмончиликни қабул қилмаган мўғуллар) юришларини олдини олиш мақсадида фойдаланишган.

Сўнгги ўрта асрларга оид, Ғаллаорол туманида жойлашган, қизиқарли жихатлари билан, кўплаб тадқиқотчиларни ўзига жалб этиб келаётган ёдгорликлар сирасига Катта ва Кичик Хонимқўргонлар ҳам киради.

Катта Хонимқўргон Хонимсарой қишлоғининг шимоли-шарқий қисмида, Тошкент-Самарқанд марказий трассасининг жануб (чап) томонида, текис, дашт ҳудудида қадимий Туятортар каналидан чиқарилган шоҳ ариқнинг иккига ажralишидан ҳосил бўлган “оролча” ўртасида жойлашган. Катта Хонимқўргондан 180 м масофа жанубда Кичик Хонимқўргон жойлашган. Мазкур ёдгорлик ўз шакли жихатидан Катта Хонимқўргоннинг деярли айнан ўзи бўлиб, фақат унинг ўлчамлари ундан қарийб 3 баробар кичик, дарвозаси жанубий деворнинг ғарбий кунжагида бунёд этилган

Катта Хонимқўргоннинг топографик пландаги кўриниши квадратсимон шаклда бўлиб, унинг шимолий ва шарқий томони – 170 м, жанубий томони - 180 м, ғарбий томони – 165 м узунликка эга, баландлиги – 3,5-4,0 м.га teng. Ёдгорлик тўрт томондан мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиб, иншоотнинг тўрт бурчагида 4 та, шарқий ва шимолий деворлар марказида 1 тадан, ғарбий девор марказида жойлашган, эни 3,0-3,2 м атрофидаги дарвозанинг икки ёнбошида 2 та, жами – 8 та ҳарбий бурж орқали қалъанинг мудофаа қудрати оширилган. Катта Хонимқўргоннинг жанубий ва шимолий деворлари ортида эни 3,0 м.га яқин, чуқурлиги 1,2 м.гача бўлган

ҳандақлар сақланиб қолган. Ўтмишда ушбу ҳандақлар сув билан тўлдириб қўйилган ва бу иншоотнинг мудофаа имкониятини янада оширган. Ёдгорликнинг шарқий ва ғарбий томонидаги эни 8-10 м.га teng шоҳ ариқлар ҳандақ вазифасини ўтаган[5].

Катта Хонимқўрғонда дастлабки тадқиқотлар 2018 йилнинг ноябр-декабр ойларида ғарбий дарвоза (кириш қисми) нинг ўнг томонида кичик ҳажмли қазув ишлари ўтказилди. Дастлаб, дарвозанинг икки ёнида жойлашган буржларнинг устки қисми чим қатламидан тозаланиб, уларнинг сўнгги давр кўриниши контурларига аниқликлар киритилди. Стратиграфик шурфда 4 та қатlam қайд этилди, уларнинг 3 таси юқори қурилиш даврига, 4 чи қатlam илк ўрта асрларга (VII-VIII аср) тааллуқли бўлиб, ушбу даврлар моддий маданият намуналари топилмалар билан саналанади. Хусусан, юқори қурилиш даври XVI-XVIII асрларга, куйи қурилиш даври VII-VIII асрларга тааллуқли.

2022 йил (август ойида) Катта Хонимқўрғонда М. Пардаев раҳбарлигига археологик қазув тадқиқотлари амалга оширилди. 2018-йилда стратиграфик шурф тозаланиб, кенгайтирилди. Стратиграфик шурфнинг умумий ўлчамлари 3x8 м. га етди. Қазув ишлари ёдгорликнинг таг замини (материк)гача олиб борилмади.

Демак, Хонимқўрғонда ўтказилган қазув ишлари натижасида қўлга киритилган моддий-маданият ашёларининг тарихий даври, яъни ҳозирча энг қадимги VII-VIII асрлар ва сўнгги қурилиш даври XVI-XVIII асрларга билан белгиланди.

Маҳаллий оқсоқолларнинг ҳикоя қилишларича, мазкур қўрғонлар соҳибқирон Амир Темурнинг севикли рафиқаси Сароймулхонумнинг ёзги дала ҳовлиси сифатида фаолият кўрсатган ва қўрғонлар унинг номи билан аталган. Бунга сабаб, айнан шу ерда ёз ойлари шабада эсиб турган. Табиатнинг бу ҳолати ҳозирги вақтда ҳам ўзгармаган. Айтишларича, бу ерни Сароймулхоним “инсон учун ёзда ёзлайдиган, қишда бўзлайдиган жой” – деб таърифлаган[5].

Хулоса қиласиган бўлсак, қадим ва ўрта асрларда фаолият кўрсатган Уструшона мамлакатининг асосий вилоятларидан бири бўлган Жиззах воҳаси Ўзбекистоннинг йирик тарихий-маданий ўлкалари қаторига киради. Ҳар бир даврда ўз стратегик ўрни, тараққиёт ва таназзули, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, ўзига хос маданиятига эга бўлган ушбу мўжаз воҳа сўнгги ўрта аср, жумладан XIV-XVI асрлар давлатлари фаолияти даврида алоҳида, муҳим аҳамият касб этган. Буни биз бу даврда яратилган ёзма манбалар маълумотлари таҳлили билан бир қаторда сўнгги йилларда Қалиятепа, Кўргонтепа, Лапахтепа, Катта Хонимқўрғон, Номсиз шаҳар харобаларида ўтказилган археологик қазув ва Кўк гумбазтепа, Етимтепа ёдгорликларидаги қидиув тадқиқотлари давомида қўлга киритилган моддий-маданият ашёлари намуналаридан ҳам қўришимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.Абдукаримохунова Р., Бердимурадов А., Дормина С, Кадыров Э. Раскопки на

Кингиртепа // АО - 1978. Москва. 1979. с. 542.

2.Бердимурадов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса (Северо-Западной Уструшаны V-X вв.) Автореф. Дисс. Канд. Ист. Наук. Москва. 1985. с. 23.

3.Пардаев М., Валиев А., Пардаев А. Қўргонтепада ўтказилган археологик ишлар хусусида // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. З-сон. Тошкент. 2003. 124-128 б.

4.Пардаев М., Раҳмонов Ҳ., Пардаев Ш. Шимолий-ғарбий Уструшонанинг археология харитасига доир сўнгги маълумотлар // Ўзбекистон археологияси - № 1 (10). Самарқанд. 2015. 47 б.

5.Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. Жиззах вилояти. Жиззах-Сирдарё вилояти археология мероси обектларини рўйхатга олиш ва харитасини тузиш бўйича қилинган гранд лойиҳасининг ҳисоботи.(електрон нусха) Самарқанд. 2017.